


GKG

GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA VA GEOINFORMATIKA
ILMIY - TEXNIK JURNALI

ISSN-I-2181-4546



GEODEZIYA
KARTOGRAFIYA
GEOINFORMATIKA

№1
2024

Mundarija/Содержание/Contents

Sh.Tuxtamishev, A.Mirzaev, O.Urakov, G`Azzamov - Arxeologik yodgorliklarni qidirishda geodezik kartografik tadqiqotlar	6
S.Abduraxmonov, N.Teshayev, R.A'zamov, J.Tojiboyev, U.Tillaboyev - Gat va kartografik metodlar asosida demografik ko'rsatkichlarning veb-ilovasini takomillashtirish	11
O.Urovok - Doimiy ishlovchi sun'iy yo'ldoshli davlat geodezik tarmoqlari (cors) stansiyalarining aniqligini o'lchangan masofalar orqali baholash.....	14
A.Mirzayev - Leica ts – 02 rusumli elektron taxeometrlarning sanoq olish tizimidagi xatoliklani tadqiqot etish	18
M.Hayitova, Sh.Yaxshiboyev, A.Minavvarjonov, B.Xamidov - Toshkent shahridagi avtoulovlarni yuvish shoxobchalari to'g'irisida ma'lumot va kamchiliklar	22
B.Muslimbekov, A.Boyirov, U.Toshpo'latov, A.Ne'matullayev - Toshkent shahridagi tirbandliklarni gat texnologiyalari asosida monitoring qilish usullarini takomillashtirish	24
R.Oymatov, N.Teshayev, K.Rizayev, A.Abdumurotov, B.Fayzullayev - Gat va masofadan zondlash ma'lumotlari asosida global iqlim o'zgarishining ta'sirlarini tahlil qilish (xatirchi tumani misolida)	28
O.Ro'ziqulova, A.Muxiddinov, J.Maxmudov, T.Homidov - Sentinel - 2 va landsat - 8 oli sun'iy yo'ldosh ma'lumotlari afzalliklari va kamchiliklarining qiyosiy tahlili	32
A.Suyunov, F.Xushmurodov - Agrolandshaftlarni shakllanishiga qashqadaryo vohasi gidrologik sharoitining ta'siri muammolari	36
Э.Мирмахмудов, А.Рузиев, Б.Тошонов, А.Нуратдинов - Анализ точности расстояний между двумя пунктами в горной местности	44
O.Ro'ziqulova - Xaritashtirishni ayrim masalalari.....	49
А.Суюнов, Г.Муллоджанова - Мониторинг на геодинамических полигонах в республике узбекистан: значимость и особенности	53
С.Уврайимов, А.Мўминов - Ислом цивилизацияси маданий мерос объектларини гат технологиялари асосида харитага олиш ва уларнинг маҳсус шартли белгилар банкини ишлаб чиқши	57
Х.Мубораков, О.Юсупжонов, А.Рўзиев, Б.Тошонов - Йирик шаҳарлар геодезик тармоқларини глобал сунъий йўлдош кузатилишларидан фойдаланиб қайта қуриши ҳақида (тошкент шаҳри мисолида)	65
I.Pirnazarov, Sh.Tuxtamishev - Uchuvchisiz uchuvchi qurilmalar yordamida olingan suratlarni agisoft photoscan dasturi bilan ob'yektning uch o'lchamli modelini yaratishda aktual yechim	72
Ў.Мухторов, М.Исройлова - Лалми ерлардан фойдаланишининг моҳияти	75
A.Jumanov, D.Tuxtasheva, I.Norqobilov - Qishloq xo'jaligida yerdan foydalanish samaradorligi.....	80
Қ.Рахмонов, В.Вахобов, М.Абдураҳимова - Ер фондидан фойдаланиши ҳолатини моделлаштириши орқали прогнозлаши	89
А.Худойберганов, О.Алланазаров, Н.Худайкулов, С.Хикматуллаев - Ўсимлик дунёси кадастр раҳамли карталарини тузиш учун зарур бўлган масоғадан зондлаш материалларини генерализация қилиши усуллари ..	93
А.Ашурев - Совершенствование воспроизводственного цикла земель приусадебных и дехканских хозяйств ..	100
А.Ашурев - Томорқа ва дехқон хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиши омиллари.....	106
A.Valiyeva - Muhandislik geodeziyada masalalarini hal qilishda lazerli skanerlardan foydalanish	110
M.Hayitova - Masofadan zondlashda qo'llaniladigan vegetatsiya indekslarini buxoro viloyati olot tumani qishloq xo'jaligi ekin turini ajratishdagi aniqligini baholash	114
K.Xakimova, D.Mamanazarova, Sh.Prenov - Aerokosmik metodlardan foydalanib farg'ona viloyati sug'orish tarmoqlarini elektron kartasi mazmunini ishlab chiqish	118
A.Valiyeva - Анализ геодезических методов определения деформационных характеристик высотных сооружений на территории узбекистана	123
T.Shavazov - Sentinel-2 ma'lumotlari va google earth engine api yordamida yer ustisi suvlarini baholash: samarqand suv omborini misol sifatida o'rGANISH	129

ТОМОРҚА ВА ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ашуров Абдулло Файзуллоевич - "ТИҚҲММИ" Миллий тадқиқот университети, PhD

Аннотация. Мақолада томорқа ва дехқон хўжаликлари ер участкаларидан фойдаланишинг ҳолати, кўрсаткичлари, муаммолари, улардан самарали фойдаланиши имкониятлари ва зарурати ёритилган ва илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: Ер фонди, коллектор, дренаж, технология, тадбиркорлик, лойиҳа, минерал ўғит, гумус, қишлоқ хўжалиги ерлари, унумдор ерлар, томорқа ва дехқон хўжаликлари ерлари.

Аннотация. В статье освещены состояние, показатели, проблемы использования земельных участков усадеб и фермерских хозяйств, возможности и необходимость их эффективного использования, а также разработаны научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: Земельный фонд, коллектор, дренаж, технология, предпринимательство, проект, минеральные удобрения, перегной, сельскохозяйственные земли, плодородные земли, приусадебные и фермерские земли.

Abstract. In the article, the status, indicators, problems of the use of land plots of estates and farms, the possibilities and necessity of their effective use are highlighted, and scientifically based proposals are developed.

Key words: Land fund, collector, drainage, technology, entrepreneurship, project, mineral fertilizer, humus, agricultural land, fertile land, homestead and farm land.

Кириш

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида барча ресурслардан, аввало ер ресурсларидан оқилона фойдаланиши талаб қиласди. Мамлакатимиз иқтисодиётида ерлардан фойдаланиш, айниқса қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан, шу жумладан томорқа ер фондидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Томорқа ер участкалари ва дехқон хўжалиги ер майдонларидан самарали фойдаланилиши, мамлакатда қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ошишига, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожланишига, аҳолини озиқ-овқат билан таъминланишини яхшиланишига, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга ва уларнинг даромадларини ошишига имкон беради.

Тадқиқот вазифасини қўйилиши. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали амалда кўлланилмаган имкониятлар, ечимини кутиб турган муаммо ва камчиликлар бор. Шунингдек 445 минг гектар энг унумдор ерлар аҳолига томорқа ер участкалари сифатида берилганлигини, аммо ушбу майдонлардан фойдаланиш жудаям паст даражада эканлиги, томорқа ва дехқон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиши такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Тадқиқот методи. Ерлардан самарали фойдаланишдаги асосий омиллардан бири бу табиий ресурслардан самарали фойдаланиши ташкил этишдир. Томорқа ва дехқон хўжаликлари тизимли асосда ривожланишлари зарур, бунда аҳоли

учун барча зарур шароитлар яратилиши, ресурсларни тежовчи технологиялар асосида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши, маҳсулотларни ортиқча қисмини экспорт қилиниши, тупроқ унумдорлигини оширилиши шулар жумласиндандир.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиевнинг 2017 йилнинг 9 декабрда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган маърузада “Қишлоқ меҳнаткашлари - бу ҳаётнинг бақувват устуни, фаровонлигимиз таянчи” деб таъкидлаган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан келтириб ўтилган имкониятларни амалга оширилиши томорқа ва дехқон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиши таомиллаштириш заруратини белгилайди. Томорқа ер участкаси ва дехқон хўжаликлари иқтисодий ривожланиши тенденцияси кузатилишига қарамасдан, қишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд муаммолар ҳануз ечимини топганича йўқ, бу ҳолат авваламбор Томорқа ва дехқон хўжаликлирида яққол акс этади:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- чорвачиликни озука ва яйлов майдонлари билан таъминлаш;
- ерларни субаренда таъминоти;
- томорқа ва дехқон хўжаликлари ер майдонларини мерос ва эгалик хукуқига ажратиш, ипотеканинг ривожланиши;
- йўл ва транспорт коммуникацион хизматлари ҳолатларини яхшиланиши, этиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш масалалари;
- томорқа ер майдонларида экин экишда илмий асосланган ишлаб чиқаришни жорий қилиш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси ўз ечимини ва қишлоқ аҳоли пунктларида мукаммал хукукий база ташкил қилинишини таққозо қиласди.

Қишлоқ хўжалигига, кейинги йилларда ўтказилаётган ислоҳотлар давомида қишлоқларда янги ташкилий-хукукий тузилма, яъни ўзини озиқ-овқат ва озука маҳсулотлари билан таъминлаш билан биргаликда заруратдан ортиқча этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган оиласвий майда товар ишлаб чиқариш корхонаси, дехқон хўжалиги пайдо бўлди /2/. Ишлаб чиқариш динамикаси шуни кўрсатадики, Томорқа ва дехқон хўжаликларининг улуши умумий ялпи маҳсулотларни этиштиришга катта хисса қўшиб келмоқда, яъни қишлоқ хўжалигига этиштирилаётган картошканинг - 81% ни, полиз маҳсулотларининг - 56%, сабзавотлар - 66% ни, узум маҳсулотларининг - 50% ни ташкил этади. Томорқа ва дехқон хўжаликлирида мамлакатнинг 6,5 млн.бош корамоли (92,8%) парваришланади, шу жумладан сигирлар 2,8 млн.бош (94,5%); улар ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқариладиган 95%-гўшт, 97%-сут, 57,9%-тухум ва 71,7%-жун тўғри келади (Статистические сборники).

Шу билан бирга томорқа ва дехқон хўжалиги ерларининг мавжуд ҳолати ва фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали бу хўжаликларда катта имкониятлар мавжуд. Томорқа ва дехқон хўжаликлари ерларидан дехқонлар 2 мартараб ҳосил олиб, бирига ўз эҳтиёжларини қондираётган бўлсалар, қолганини эса бозорга олиб чиқиб сотмоқдалар. Эрта пишар карам, лавлаги ва бошқа сабзавотлар этиштириш ҳали ҳамон амалда кам қўлланилмоқда. Чорвачилик ишлаб чиқаришининг кўрсаткичлари жуда пастлиги ва бунинг асосий сабаби қилиб

чорво молларига озуқа етишмаётганлиги кўрсатилмоқда, озуқа етишмаслигининг асосий сабаблари эса бу томорқа ва дехқон хўжаликларида суфориладиган ер майдонларининг, асосан сабзавот ва полиз экинлари билан банд этилаётганлиги бундан ташқари яйловларнинг етишмаслиги, яйлов ерларининг илмий асосланган ҳолда тақсимланмаганлиги, уларнинг ҳолати яхшиланмаятганлигидир. Томорқа ва дехқон хўжалиги ерларининг сифат даражаси паст. Минерал ўғитлар кўп ҳолларда жуда кам миқдорда берилади, сугориш ишлари ҳам белгиланган агротехник муддат ва нормаларда амалга оширилмайди, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар кўп ҳолларда шўрланган массивларда жойлашган, коллектор-дренаж тармоғи қишлоқлар четида ва ўз вақтида тозаланмайди.

Мавжуд бўлган қишлоқ аҳоли пунктларидағи ер майдонларининг ҳолати, шу жумладан Томорқа ва дехқон хўжаликлири ер майдонларида фойдаланиши даражаси таҳлил қилинганда, уларни етарли даражада самарали фойдаланмаётганлиги аниқланган.

Кўп йиллар мобайнида ерлардан хўжасизларча, бепул фойдаланиш исрофгарчиликка олиб келди. Бунинг натижасида катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалик ерлари турли хил қурилишлар ва бошқа ноқишлоқ хўжалик эҳтиёjlари учун бериб юборилган, аҳоли яшаш жойлари чегараларидан ташқарида экин ер майдонларида, боғ ва тозорлар ичida якка тартибда, қурилган яшаш уй-жойлари пайдо бўлган. Оқибатда муҳандислик ва транспорт алоқаларини узунлиги ортди, ҳамда аҳоли пунктлари атрофларидағи ер майдонлари ва яйловлар деградацияга учради. Буларнинг барчаси томорқа ва дехқон хўжалиги ер фонди ҳамда аҳоли турар жойлари сифатида самарали

фойдаланилиши ёмонлашувига таъсир кўрсатди.

Бундай ҳолатни асосий сабаблари қилиб қишлоқ аҳоли пунктларидағи ер майдонлари ва улардаги ердан фойдаланувчиларни тўлиқ руйхатга олинмаганлиги, шаҳарсозликнинг умумий ривожланишини акс эттирувчи зарурий ҳужжатлар, бош режаларнинг йўқлиги, қишлоқ аҳоли пунктларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлиги ҳолатларини кўрсатишимиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида илм-фан ва техника юруқлари асосида, мукаммал ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида, барча қулийликларга эга бўлган аҳоли яшаш жойларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бизда ҳам шу қоидаларга амал қилиш вақти келди десак муболаға бўлмайди. Бунга юртимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган замонавий уй – жойларни, Президентимиз ташаббуслари билан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида тамоман янгидан қурилиб ўз жамолини намоён қилаётган янги аҳоли пунктларини мисол келтириш мумкин.

Мамлакатимизнинг турли вилоятлардаги дехқонлар билан кечган сўровномалардан маълум бўлдики хўжалик юритишга кетадиган ҳаражатлар 1000-2000 минг сўмни ташкил қиласи, маҳсулот сотиш нархи эса 4000-6000 минг сўм, даромад-2000-4000 минг сўм, бошқача қилиб айтганда ҳар бир оиласга таҳминан 3000 минг сўмдан тўғри келмоқда. 85% дан кўпроқ томорқа ва дехқон хўжаликларида қорамол ва паррандалар бор. Тахминан 70% томорқа ва дехқон хўжаликларида соғин сигирлар, шу жумладан 35% тасида боқиладиган хукизлар бор. Томорқа ва дехқон хўжаликларидағи сигирлардан олинадиган маҳсулдорлик жуда паст масалан сут - тахминан 1700

кг миқдоригача. Бир оила бир йил давомида ўртача 1100 кг сут ва 150 кг гўшт маҳсулотларини истеъмол қиласди, бу демак пул кўринишида 3,3 ва 5,25 млн.сўмни ташкил қиласди. Чорвачиликдан сотилган томорқа ва дехқон хўжалик маҳсулотлари ўрта ҳисобда 3.7 млн.сўмни, умумий ҳисобда ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга эса 4,9-5,0 млн.сўмни ташкил этади. Етиштирилган маҳсулотларни оиласлар томонидан истеъмол қилинадиган қисмининг ўртача ҳажми 60-65% (таҳминан 3,2 млн.сўм), қолган маҳсулотлар эса бозорда сотилади. Дехқон хўжаликларининг илгор тажриба ва кузатувлари шуни кўрсатадики, уларнинг самарадорлигини 3-4 мартағача ошириш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенити И.А. Каримовнинг 2006 йил 23 март кунидаги ПҚ-308-сонли Фармойишига асосан, томорқа ва дехқон хўжаликларининг ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг ролини ошириш ҳамда қишлоқ аҳолисига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўз томорқасида фаолият кўрсатиши даврида меҳнат дафтарчасини расмийлаштирилиши ва меҳнат стажини йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оиласларга ҳомийлик маблағларидан сут берадиган сигирлар ажратиш белгиланган. Чорва молларининг бош сони ўсиб бормоқда, аммо уларнинг озуқа таъминоти муаммолигича қолмоқда. Чорвачиликни шахсий томорқа ва дехқон хўжалиги ер майдонлари ҳисобидан озуқа билан таъминланиши етарлича эмас (25-30% маккажўхори, арпа ва бошқалар ҳисобига). Айниқса яйлов ерлари етарлича эмас. Ҳозирги кунга келиб

деярли барча қишлоқ хўжалик ерлари фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган ваҳамма фермер хўжаликлари ҳам ўз ер майдонларида Томорқа ва дехқон хўжаликларининг чорво молларини боқишига рухсат беравермайдилар. Қишки ва ёзги яйловлар эса аҳоли яшаш жойларидан анча узоқ масофаларда жойлашган.

Томорқа ва дехқон хўжаликлари ерларидан фойдаланиш, ривожланишда қўйидаги омилларни белгилаб ўтиш зарур бўлади:

1. Томорқа ва дехқон хўжаликлари ер майдонларини самарали ташкиллаштириш; ушбу йўналиш яшаш масканларини самарали жойлашинувини ҳамда кўп йиллик дарахтлар ва қишлоқ хўжалиги экинларининг томорқа ва дехқон хўжаликлари ер майдонларида мақбул жойлашишини таъминлайди. Томорқа ва дехқон хўжаликлари ер майдонларининг энг кўп тарқалган шакли, бу тўртбурчак шакл бўлиб, бунда уй жойлар ва ёрдамчи хўжалик иморатларини, мевали дарахтларни ва қишлоқ хўжалик экинларинимақбул жойлаштириш бир сўз билан айтганда уларнинг ҳудудларини талаб даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилади. Томорқа ва дехқон хўжаликлари ер майдонлари фуқароларга, самарали хўжалик фаолиятини юритиш ва яхши дам олишшароитларини таъминлаши, зарур бўлган санитария-гигиена шароитларига эга бўлиши ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек, ер ва сув ресурларидан самарали фойдаланишни таминлаши зарур ва буларнинг барчасини ўз навбатида қишлоқ ободончилиги билан уйғунлаштиришни ўз ичига олади.

2. Фойдаланилмайдиган ерлар орасидан қўшимча майдонларни ажратиш (шу қаторда яйлов ерлар); Ҳамма томорқа ва дехқон хўжаликлари

ер майдонлари ҳам Ер кодексида белгиланган меъёрларга тўғри келавермайди, агарда юқори кўрсаткичларга эришаётган томорқа ва дехқонхўжаликларининг хўжалик фаолияти таҳлил қилинса ва уларнинг белгиланга меъёрлардан кам ер майдонларига эга бўла туриб самарали фаолият юритаётганликлари исботланса, уларнинг ер майдонлари миқдорини меъёр даражасигача кўпайтирилиши мумкинлигини тавсия этиш мумкин. Томорқа ва дехқонхўжаликлиги чорво молларини боқиши учун яйлов майдонларини ажратиб берадиган механизм яратиш лозим. Томорқа ва дехқонхўжаликлиги ерларидан фойдаланишда уларнинг ер майдонларни кенгайтириш, авваламбор оиласаларнинг меҳнат ва молиявий шароитидан келиб чиқиб руйхатга олинниши лозим, чунки айнан шу омиллар ерлардан самарали фойдаланишини кафолатлади.

3. Қишлоқ хўжалиги экинлари ва пичанзорларни туғри (самарали) жойлаштириш; Томорқа ва дехқонхўжаликлиги ер майдонларидаги бир йил мобайнида ўсимликларнинг турли навва турларни оптималь даражада навбатма-навбат тарзда алмашлаб экилишини кўзда тутади. Бунда ўсимликларнинг алмашлаб экилиши уларнинг ер майдонлари ҳолатини ёмонлаштириши эмас, балки тупроқ унумдорлигини сақлаш ва

ошириш имконини бериши зарур. Самарали дехқончилик тизими асосида ҳамда тупроқни ҳимоя қилувчи технологияларни жорий қилиш ва гумусни сақлаб қолиш орқали тупроқ унумдорлигини оширишни кўзда тутади. Ердан тўғри фойдаланилса, у ўзининг унумдорлигини ва ишлаб чиқариш хусусиятларини тиклаб олади. Жамият ривожланиши, ахоли сонининг ортиб бориши ҳамда уларнинг эҳтиёжларини қондириш объектив нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши талаб қиласи, бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини оширилишини ҳам талаб қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги 2022 йил июньда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги “Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш” даги нутқи.

3. Дехқонхўжалиги тўғрисидаги конун. Т.1998 й.

4. Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. Т. 1998й.

5. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг тўпламлари. Т. 2017-2018 йй.

UO'K: 528.482:69.032.2(575.1)

MUHANDISLIK GEODEZIYADA MASALALARINI HAL QILISHDA LAZERLI SKANERLARDAN FOYDALANISH.

A.R.Valiyeva - “TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti assistenti

Аннотация. Курилиётган биноларининг деформацияси ўрганиши янги муаммоси эмасdir. Деформацияни

ўрганиши учун кўплаб ишлар мавжуд, уни батафсил пайда бўлиши, ривожланишини олдини олишлари.